

ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДА ЯНГИ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Озод Ҳимматов
К.Бехзод номидаги МРДИ
Маҳобали рангтасвир кафедраси
2 курс магистранти*

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ҳайкалтарошлик ва графика турлари нисбатан суст ривожланган бўлиб, доимо дастлабки ўринларни рангтасвир эгаллаган. Деворий расмлар, асосан, ибодатхоналар, саройлар ва қалъалар интерьерларини безаган. Шу аснода моҳир ҳайкалтарошлар кўллари билан яратилган будда ва унинг аъёнлари, масхарабоз, жангчи, турли ёшдаги эркак ва аёллар қиёфасидаги ҳайкалчалар ҳам бинонинг ички кўринишига жозиба бағишлаган. Шу нарса диққатга сазоворки, бу давр ибодатхоналари ва қасрларидаги деворий суратлар меъморчиликка чамбарчас боғлиқ. Кўплаб меҳмонхона деворларига тўлдириб расм ишланган, рассомлар ҳар ер-ҳар еридан эшиклар билан бўлиниб турувчи яхлит манзара яратишган, деса бўлади. Тантанали маросимларга мўлжалланган бундай улуғвор хоналар дераза-дарчалардан холи бўлиб, ёруғлик фақат юқоридан тушиб турган.

Бунда архитектура, ҳайкал, амалий санъат ва деворий сурат уйғунлигини кўриш мумкин. V-VI асрларнинг охирларида кўплаб янги қалъа-шаҳарлар бунёд этилдики, уларнинг интерьерлари ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги ва деворий суратлар билан зийнатланган. Шимолий Бактриядаги бу анъаналар Болаликтепа, Жумалактепа, Зангтепа, Зартепа, Далварзинтепа, Хоразмда Тупроққалъа каби кўплаб ёдгорликлар харобаларида учрайди. Далварзинтепа рангтасвири қолдиқларида одамлар қиёфаси натурани яхши билган мусаввир томонидан бажарилган, колорити “илиқ” тусда. Болаликтепа (V-VI) деворий рангтасвир мавзуси эса зиёфат базмидан иборат. Варахша (VII-VIII)даги деворий суратларда эса “яхшилиқ ва ёмонлик” тимсоллари, уларнинг ўзаро кураши тасвирланган.

Монументал рангтасвир атамаси монументал (маҳобатли), яъни катта ўлчовдаги, рангтасвир маъносини англатади ва у кўпинча биноларнинг ички ва ташқи деворларига темпера бўёқлари билан ишланади. Монументал рангтасвир асарларининг фреска, мозаика, витраж, панно каби турлари мавжуд. Фрескалар асосан бино деворларига, паннолар эса матоларга бўёқлар билан ишланади.

Мозаика – турли табиий ва ташландик материаллар-рангли ойна парчалари, тошлар, синтетик материаллардан бино деворларига ёки текис материаллар устига ишланади.

Маҳобатли санъат кенг маънодаги инсон жасоратини, гўзаллигини ифодалаш билан бирга декоратив, эстетик дидни тарбиялайди. "Декоратив монументал" санъатга асосан боғ ҳайкаллари ва меъморчилик гуруҳининг бўлаги ҳисобланган ҳайкаллар киради. Композицияда ҳар хил пластик бажариладиган тасвир ашёси - материаллини ҳам ҳисобга олинади . "Мозайка", "фреска", "витраж", "рельеф", "панно"- намоён кабилар маҳобатли рангтасвирнинг турлари бўлиб, маълум техник тасвир воситаларига эга.

"Мозайка" деб, "смальта", мрамор, кошан - сопол плитка, ҳамда майда нақш ёки тасвирни айтамиз.

"Фреска"- бу энг қадимги санъат тури бўлиб, у деворга чизилади. Рангларни сув билан арилиштириб ҳўл сувоқ қатламига ишланиши, фресканинг ўзига хос хусусиятларидир.

Маҳобатли санъат архитектура ва ҳайкалтарошлик билан боғлиқ ҳолда яратилади. Унинг мавзуси ва мазмунини бадиий фикрнинг улуғворлигини белгилайди, унда тарихий ва халқ ҳаётидаги муҳим воқеалар тасвирланади.

Маҳобатли нафис тасвирий санъат композициясининг аниқлиги, пухталиги колоритни умумлаштириб, композициянинг ҳар тарафдан киришга қулайлиги билан фарқланади. "Монументал" санъат асарлари мавзунинг катта ҳажмда ва шаклда бажарилиши билан белгиланади .

Композициянинг унсурлари (ҳажмдорлиги, симметрия, оҳанг, перспектива, ранг ечими ва ҳоказолар) маҳобатли паннонинг бажариладиган жойига қараб ўзгаради. “Монументал” асар узоқ масофадан туриб тасаввур қилиш учун композициядан пластик ҳажмлари умумлаштириш, масофа, тасвир ва ранг ечимини аниқлаш керак. Керакли даражада мавзуни умумлаштирилиб аллегория, тимсол шаклида беришга катта аҳамият берилади.

Фреска бой ранг - тасвир имкониятларига эга ва кўпинча хона ичида (интерьерда) бажарилади. Бунга Микеланджелонинг "Ватикандаги", "Сикстин капелла"си, Ч.Ахмаровнинг Алишер Навоий театри деворига ишланган "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонига фрескалари мисол бўла олади. "Панно"ни фрескадан фарқи шундаки, у грунт ишлов берилган деворга ўрнатилган холстга бажарилади.

Тасвирлаш воситаси сифатида темпера, мойбўёқ ишлатилади. Мазкур композицияни бажаришда унинг ҳажми, томошабиннинг узоқ масофада туриб кўра олишини ҳисобга олиш лозим.

Витраж - қадимги маҳобатли безак санъат туридир. У ўзидан ёруғ ўтказувчи рангли шишалардан ясалган нақш ёки мавзули композиция. У биноларнинг деразалари, эшиклари, ойналари устига бўёқлар ёрдамида ишланади. Витражлар уй ичкараси ва ташқарисидан ҳам бир хил кўринади. Рангли шишаларни юксак маҳорат билан танлаб металл симлар билан боғланади. Витраж асосан дераза, эшик ва бошқа хоналарда жойлаштирилади ва у хонага чирой беради. Кейинги пайтларда витраж интерьерда, кафе, мактаб хоналаридан ҳам кенг ўрин олмоқда.

Деворларга ишланган барча маҳобатли композициялар уй меъморлиги билан боғланган бўлиши керак, ҳамда гўзаллик, уйғунлик, яхлитлик ўз аксини топиши керак.

Маҳобатли рангтасвир асарлари оммавий таъсир қилувчи санъат асаридир. Дастгоҳли рангтасвирдан фарқли, у биноларнинг деворларига, шифтига, алоҳида девор текислигига ишланадиган тасвирий санъат асари

хисобланади. У оммага мўлжалланган бўлиб, унинг композиция- тузилиши чуқур маъно мазмунга эга ва катта ҳажмларда бажарилади. Композиция тили оддий ва аниқ, тушунарли бадийликка эгадир. Мустақил вазифага эга бўлишидан ташқари, маҳобатли рангтасвир асари амалий безак ролида ҳам бўлиши мумкин.

Замонавий архитектура биолари янгича тектоник тузилишга эга бўлиб, маҳобатли рангтасвир рассомларидан янги вазифалар ечимини талаб қилади. Биоларнинг бўш қолган деворларини ўз композицияси билан тўлдириш тушунчасидан воз кечиб, биоларнинг синтези (боғлаш, мослаш, тузулиш) билан яқиндан шуғулланиш лозим бўлади.

Бинонинг вазифасига, бадий мазмунига, тузилиш ритми (вазни)га қараб композиция тузилишини ҳал қилиш зарур. Аммо маҳобатли рангтасвир асари бионинг қуруқ беағи бўлиб қолмаслиги керак. Архитектура биносига ишланган ҳар қандай монументал рангтасвир асарининг дастгоҳли рангтасвирдан фарқи, уни бошқа бино деворига кўчириб бўлмайди. Чунки у фақат ўша бино деворига мўлжалланган. Бўлажак рассом маҳобатли рангтасвир композициясининг архитектура билан боғлиқ қонун ва талабларни, композиция воситаларини чуқур билиши керак.

Маҳобатли рангтасвир композицияси мавзуси учун архитектура характери аҳамиятга эга. Бино тури, унинг вазифаси, ғоявий-эстетик аҳамияти, шаҳар қурилишида жойлашуви қабила композиция мавзусини танлашда биринчи қадам бўлиб, архитектура билан монументаль рангтасвир узвий боғланишини таъминлайди.

Маҳобатли рангтасвир асари мавзусини архитектура биноси мазмунидан ажралган ҳолда, алоҳида ҳал қилиб бўлмайди. Одатда рассомдан композиция мавзусида катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тарихий, фалсафий, ҳарбий, халқ хўжалиги қаби мавзуларни очиб беришни талаб қилади. Композиция бино интерьеридаги катта фойеларда, вестибюлларда, музей, кутубхона залларида, шунингдек ижтимоий аҳамиятга эга бўлган биоларда бўлиши мумкин. Баъзи биоларда маиший безак кўринишида ҳам

амалга оширилади. Айрим ҳолларда фасадга ишланган композиция мавзуси комплекс архитектура биноларига боғланиб, майдон, кўча номи мавзусида ҳам бўлиши мумкин. Ресторан, кафе, чойхоналарга мўлжалланган мавзулар халқ байрамлари, мусиқа, декоратив безак композицияда акс эттирилади.

Мустақилликкача бўлган маҳобатли рангтасвир "Маҳобатли тарғибот режаси", деб номланувчи мафкура ҳукмронлиги асосида шаклланди. Айнан шу, яъни тасвирий санъатнинг бирмунча сиёсийлаштирилган қобиғида ишлаш ҳаммадан ҳам рассомлар учун қийин кечди. Улар услуби бир тахлитда бўлиб, плакат тилида баён қилишга ундовчи топширилган мавзу асосида асар яратишга мажбур эди. Лекин, бу даврда рассомларнинг ички дунёсини намоён этувчи ҳақиқий ва бадиий ёрқин асарлар яратилди. Улар орасида, сўзсиз Ч.Ахмаров, Б.Жалолов ва бошқа рассомлар томонидан яратилган маҳобатли рангтасвир асарларини айтиш мумкин.

Замонавий биноларнинг конструктив тузилишидаги ўзига хос жиҳатлари, яъни иншоотлар олд қисмларида қалин ойналарнинг кўп ишлатилиши, шунингдек, йирик яхлит ҳажмлиликнинг нисбатан кўпайиб кетиши маҳобатли рангтасвир асарлари камдан-кам ҳолларда меъморчиликда кўлланилишига қарамасдан, маҳобатли рангтасвир усталари шаҳар эстетик қиёфасини шакллантиришда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, маҳобатли безак санъати — кичик маконда интерьерни эстетик безатиш ишларида дастгоҳли рангтасвир асарлари ва амалий санъат буюмларидан фойдаланиш билан — ўзида янги элементларни ҳам мужассам этади.

Маҳобатли безак санъати устида олиб борилган тадқиқот ишлари шуни тасдиқлайдики, Ўзбекистонда ҳозирда ҳам унинг кўпгина турлари сақланиб қолган. Бу вақтга келиб, шунингдек, витраж санъати асарлари, шиша, сопол ва кандакорлик буюмларида ишланган бўртмаларда маконий композициялар яратиш, кошинли намоёнлар ва безакли пластика санъати шаклланди. Санъатнинг барча турлари бу даврда кенг кўламда ривожланишига қарамай, маҳобатли рангтасвирда бадиий жараён бирмунча қизиқарли ва серҳаракатлилик билан кечди.

Б.Жалолов маҳобатли рангтасвир асарларини яратишда шак-шубҳасиз пешкадамдир, унинг асарларида академик мактабнинг мустаҳкам анъаналари, бой ҳаёлий тафаккурга эга рассомнинг Ғарб ва Шарқ санъати эстетикасини усталик билан уйғунлаштиргани сезилади. Унинг санъати 1990 йиллар маҳобатли рангтасвир санъатига муайян таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда фаол иш олиб бораётган А. Алиқулов, А. Агаханян, Б. Олимхонов, Ш. Баҳриддиновлардан иборат маҳобатли рангтасвир гуруҳи ижодий ғояларида рассом услуби давомийлигини англаш мушкул эмас. Булар нафакат композициянинг пластик ечимида, балки деворий суратларни ишлашда рассом олдида турган вазифаларни тушуниб етишда, интерьернинг фазовий маконини композицияга мос равишда маҳорат билан уйғунлаштиришда кўзга ташланади.

Бизга маълумки, бино ва архитектурани тўлдириб унинг моҳиятини очиб унга эстетик завқ беағи бўлиб хизмат қилувчи нарсалар унга ишланган асардир. Маҳобатли рангтасвир санъати бу борада бошқа санъат турларига нисбатан илдамроқ. Биз биламизки, бу соҳа архитектура билан доимо ёнма-ён ҳамжихатликда иш юритган. Иншоотнинг қандай вазифа бажаришига қараб унга мос ҳолда ҳар икки соҳа вакиллари иш олиб боради. Мустақил Ўзбекистон шу ўтган йиллар мобайнида катта йўсиндаги ишларни амалга оширди ва келажаги буюк давлат қуриш ғояси билан илдам йўл босар экан, чизилаётган асарларда шу мақсад сари олға бориш ғояси илгари суриш лозим. Маҳобатли рангтасвир асарлари инсоний фазилятларни тарбиялашдаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Санъат маданиятнинг барча турлари инсонларга бадиий-эстетик завқ берибгина қолмай, уларга кенг манода ўз дунёқарашини тўлиқ ифодалаш эркин ва равон фикрлаш имкониятини беради. Архитектурага жойлаштирилган маҳобатли асар узок йил хизмат қилар экан, бунга чизиладиган чизма ёки унинг ғояси ҳам шунча барҳаёт, узок муддатни кўзлаб, яъни ҳам ашёвий, ҳам ғоявий қарашларни эътиборга олиб амалга оширилади.

Хулоса қилиб, айтганда маҳобатли рангтасвир ва декоратив амалий санъат асарлари ўқув бинолари иш жойлари жамоат иншоотларида тутган ўрни бениҳоя каттадир. Жамиятдаги ҳар бир инсонга айниқса, ёшларга миллий кадрятларимиз тўйинган ва шу билан ҳамоҳанг руҳда яратилган мусаввир асари кўп йиллар мобайнида ихлосмандларга маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бу асарлар умрбоқий яшайди. Буюк аجدодларимиз амалий санъатимизни шахсни камол топтириш, олийжаноб, инсоний фазилатларни тарбиялашдаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Санъат, маданиятнинг барча турлари инсонларга бадий-эстетик завқ берибгина қолмай, уларга кенг фикрлар билан ифодалаш ғоят муҳим бўлган инсоний туйғулар, олам сирлари ҳақида билимлар тўплашга ёрдам беради. Ҳаёт ҳақиқатини бадий-эстетик воситалар шакл ва ранглари, чизик ва ғоялар орқали идрок этишга, ўй суришга жуда катта ёрдам беради. Инсон борлигини, маънавий тараққиётини санъат, маданиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Маҳобатли рангтасвир санъати ҳам бугунги кундаги энг ривожланаётган санъат турларидан бири бўлиб келишига мамлакатимизда тинимсиз бунёдкорлик соҳасининг ривожланаётганлиги билан боғлаш мумкин. Бу амалий санъатимиз ва маҳобатли рангтасвир асарларини ўрганиш, улардан бебаҳо меросимиз сифатида фойдаланиш, қадрият сифатида муносабатда бўлиш, амалда қўллаш, ҳозирги давр маънавий ва маърифий вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Аҳмедова. Живопись Центральной Азии XX века традиции, самобытность, диалог. Т., Санъат, 2004.
2. Д.Султонова. “Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий воситаларни уйғунлаштириш услубияти”. Диссертация. Т., 2012.